

Олимларнинг илмий ишлари илмий мушоҳадага асосланган бўлади. Шу боис, уларни ўқиш ва ўқишнинг ҳам бир мунча мураккабликлари бор. Номзодлик ёки докторлик диссертациясини оладиган бўлсак, ҳар бир жумла бирор-бир фикрни тасдиқ ёки инкор қилиши, ўқувчини маълум янгиликдан хабардор этиши зарур. Энг муҳими, илмий ишда умумий, мавҳум мулоҳазалар эмас, илм қилувчининг аниқ-туғал фикрлари, илмий изланиши, қузатуви асосидаги ҳулосалари бўлиши шарт.

Шўролар замонида илмий иш ёзишнинг ўзига хос қолипи юзага келган эди.

Диссертацияни баҳолашда унда шу мавзуда ёзилган бошқа ишларнинг санаб ўтилиши, ўзингдан катта, нуфузли устозларнинг ишлари тилга олингани, улардан кўчирмалар келтирилгани ва юксак баҳо берилгани муҳим аҳамиятга эга бўларди. Бошқаларнинг фикрлари шу қадар кўп келтирилардики, муаллифнинг шахсий фикри ёки ҳулосаси кўп ҳолларда уларнинг соясида қолиб кетарди.

Иш юзасидан, баъзан эса қизиқишим боис, кўплаб диссертацияларни, илмий маъруза матнларини, олимларнинг давра суҳбатларини ўқиб чиқишга, айрим ҳолларда уларга баҳо беришга тўғри келади. Бу иш билан узок йиллар давомида узлуксиз шугулланганим, бугун ҳам имкон даражасида машғуллим боис, кўнгилда баъзи мулоҳазалар ҳам йигилиб қолди. Улар, аввало, ўзимга, шогирдларимга керак. Балки бу фикрларим бошқаларни, масалан, ёш тадқиқотчиларни ҳам қизиқтириб қолиши мумкин, деган фикрда қўлимга қалам олдим.

Илмий иш, у диссертация, монография, илмий рисола ёки маъруза тексти бўладими, бундан катъи назар, илмий тилда, аммо содда ва рағон услубда, ёш тадқиқотчилар осон тушунадиган, бошқалар ҳам зерикмай ўқийдиган қилиб ёзилиши керак.

Алломалардан бири илмий адабиётлар одамларни жаҳолатдан қутқаради, деган ҳулосага келган. Демак, илмий иш фандаги аниқ бир муаммо, йўналиш ҳусусида бўлиши, унда келтирилган далил ва ҳулосалар илмий мушоҳада тараққиётининг бугунги талабларига жавоб бериши зарур.

Файласуф Демокрит бир вақтлар: “Битта илмий исбот ёки далилни қўлга қиритиш мен учун Форс салтанатига ҳокимлик қилишдан аълоқдир”, деган экан. Бу бежизга айтмаган, албатта. Илмда бирор бир исботга қелиш, фикрни бошқалар айтмаган янги бир далил билан исботлаш ўта оғир иш. Аммо олимликка даъво қилувчи учун бундан бошқа йўл йўқ.

Олим илмий мушоҳадасида чарх ура бошлаган, соддарок қилиб айтганда, миясида айланиб, тинчлик бермаётган бир фикрни, қачонки унинг тўғрилиги ва зарурлигига ўзи ишонч ҳосил қилганидан кейингина айтиши керак. Аммо бунда ортиқча шошилиш қаби ўринсиз имиллаш ҳам кетмайди.

Баъзан захматқаш бир олим минбарга кўтарилиб, жўяли бир фикрни ўртага ташлайди. Унинг ортидан бошқалар, “Шундок фикр айтилганида биз жим турсак, илмий обрўймизга путур етиб қолмасин”, дегандай, бирин-кетин сўз олишади. Гапни “Домла жуда тўғри айтдилар, ҳақиқатан ҳам шундай...” қабилида бошлаб, шу оҳангда яқунлашади. Ўзида мустақил фикри бўлмаган одам, минбарни банд қилмай, бошқаларни тинглаб ўтиргани маъқул.

Баъзи илмий ишларда кўпчилик тушунмайдиган иборалар, изохталаб сўзлар ҳаддан ташқари кўп учрайди. Айрим ёш тадқиқотчилар ўзларича илмий ишнинг нуфузини ошираман деб шундай қилишади. Уларни тушуниш учун бошқа кўплаб манбаларни

эринмай вараклаш керак. Бу, очигини айтганда, ишнинг хомлиги, пишиб етилмаганлиги белгисидир. Хакикий олим ўз фикрини илмий жумбокларсиз ҳам ифода кила олади. Яширишдан не фойда, баъзи илмий ишларни нари борса беш-ўн киши, балким йигирма-ўттиз киши ўқийди, диссертация химоя килинганидан кейин уларнинг кўпи катта-кичик китоб жавонларини безаб тураверади. Бу энди, адолатдан эмас, деб ўйлайман. Ахир, битта диссертацияни ёзиш учун бир кишининг бир неча йиллик умри, давлатнинг маблаг икети кетган-ку! Бундай десак, хозир хатто бадиий асарларни ҳам ўқувчига зўрлаб тикиштиришнинг иложи йўқ. Ягона йўл, менинг назаримда, илмий ишни ўқийдиган ва ўқиганда ундан бахра оладиган килиб ёзиш керак.

Илмий мушоҳада ва нотиклик махорати хашиша ҳам ёнма-ён юрмайди. Баъзи олимларнинг фикри коғозда жуда тиник, кизикарли акс этади, аммо маъруза килса гапи мутлако ковушмайди. Баъзан эса, бунинг аксини кўрамыз — олим минбарда жуда бийрон сўзлайди, “Шу фикрларингизни коғозга тушириб беринг”, десангиз, бошни кашлаб туриб қолади.

Олимлик мансаб ҳам, мартаба ҳам эмас. Лекин илм кишисининг нутки ҳам, ёзуви ҳам мукамал бўлса қандай яхши.

Илм кишиларига жуда кўп маъруза килишга тўғри келади. Хар гал минбарга кўтарилганда, машхур нотик Цицероннинг бир фикри ёдимга тушади: “Сўзнинг кучи билан омманинг диққатини ўзингга тортиш ва уларни ром этишдан ҳам лаззатлироқ нарсани билмайман”.

Албатта, нотикликда Цицерон даражасига етиш кийин, аммо маърузачи, агар у илм кишиси бўлса, айтадиган гапларини яхшилаб ўйлаб, фикрини жамлаб, ҳеч бўлмаганда тезис кўринишида коғозга тушириб олиши керак. “Сўз — либос, маъно шу либос остига яширинган сир”, дейишади. Маърузада шундай сўзларни топиб ишлатиш керакки, улар тингловчиларга таъсир кўрсатсин, хотираларига ўрнашиб қолсин.

Афлотун: “Агар савол тўғри берилган бўлса, хар қандай саволга ҳам жавоб қайтариш мумкин”, деган экан. Баъзи нотиклар, мен кўпроқ илм кишилари кўзда тутмоқдаман, маърузачи яхши ўқишади, аммо тингловчиларнинг саволларига келганда ўзларини йўқотиб қўйишади, хаяжон босади. Илм кишиси унча-мунча нарсага хаяжонланмай, хар қандай ҳолатда ҳам мантикий фикрлашда давом этиши керак, деб ўйлайман.

Алишер Навоий хазратлари: “Сўзни кўнгулда пишкормагунча тилга келтурма, хар неким кўнгулда бор — тилга сурма”, деганлар. Бу борада Цицероннинг фикри мана бундай: “Агар нотик гапирмокчи бўлган нарсасини мукамал билмаса (мукамал билмай туриб ҳам минбарга кўтарилса — М.Т.), унинг нотиклиги уч пул”. Бу ўғитлар хашиша ёдимизда туриши керак.

Мени, балки бошқа кўпларни ҳам, ажаблантирадиган бир нарса бор. Илмий анжуманларда асосий маърузалар тингланадиган бўлингач, муҳокама бошланади. Баъзи, хатто устоз мақомидаги олимлар ҳам унда катнашишади. Аммо маърузачининг у ёки бу фикрини тасдиқлаш, инкор этиш учун эмас, шунчаки муҳокамада иштирок этиш учун. Жуда галати ҳолат. Улуг Пифагор ҳам бундай ҳолатларни кўп кузатганми, шундай деган экан: “Тинглаш ва сукут саклаш сени донолик сари етаклайди. Сукут — донишликнинг бошланиши”. Бу сўзларни жуда аввал ўқиб, таъсирланиб, ён дафтаримга кўринарли килиб кўчириб қўйганман, турфа хил йигинларда бот-бот эслаб тураман.

Яна бир мулоҳаза. Илмда устоз-шогирдлик аънаналари мавжуд. Ҳеч ким ўз-ўзидан олим бўлиб қолмайди. Хаммамиз ҳам илм майдонига улуг аждодларимизнинг бизларгача етиб келган илмий меросидан озми-кўпми бахраманд бўлиб, бугунги устозларга эргашиб,

уларнинг не-не захматлар билан битилган китобларини ўкиб-ўрганиб кирганмиз. Илк ишларимиз уларнинг рахбарлиги остида ёругликка чиккан. Изохли лугатимизда “рахбарлик” сўзи “бошчилик”, “бошликлик”, “йўлбошчилик”, “рахнамолик”, “мураббийлик”, “устозлик”, “илмий” сўзи эса “илмга оид”, “илмга каратилган”, “илм-фан билан боглик муаммоларни ўрганувчи”, “илмий-тадқикот ишлари билан шугулланувчи” маъноларида изоҳланган. Демак, “илмий рахбар” атамасини “Ёш тадқикотчиларга илмий фаолиятда рахбарлик килувчи мураббий”, деб тушунсак, хар жихатдан тўгри бўлади. Аммо... Илмий рахбар бўлиш осон эмас. Бундай номга мушарраф бўлган киши, энг аввало, багрикенг, самимий, илмда нуфузи баланд, сўзи мантикли ва... журъатли бўлиши керак. Баъзан шунчаки олимликни хавас килиб колган, кимгадир ишониб, таяниб кўлига калам олган кишиларга хам рахбарлик килишга тўгри келади. Бундай пайтларда рахбар журъатли бўлиши, яъни, аввалбошдаёк бу талабгордан илм кишиси чикадими ёки йўкми, буни очик айтиши, умри беҳуда ўтишига ўзи хам сабабчи бўлмаслиги керак. Ва, аксинча, илмий рахбар шогирдини ўз фарзандидай билиб, унга тўгри маслахатлар бериши, бечоранинг садокатини узок вақт ўзига куллуқ килиши, майда-чуйда ишларга хозирю нозирлиги билан синаб кўрмаслиги лозим. Бу гапим кимгадир тегиб кетмаслигини истар эдим — айна мана шу холатга дош беролмаган кўплаб ёшлар илм даргоҳларини ташлаб кетганларини хам биламан. Бу энди — кечаги ўтмишимиздан колган аччик хотира. Аммо хотира экан-да, деб бепарво хам бўлмаслигимиз керак... Эътиборингизга хавола этаётган ушбу фикрларимни таникли мутафаккир Кантнинг: “Устоз ўз шогирдига фикрларни эмас, фикрлашни ўргатиши керак”, деган ўта мухим сўзлари билан якунламокчи эдим, ёдимга Кайковуснинг мана бу хикмати тушиб колди: “Эй фарзанд, баданни ўзингга мутеъ кил ва кахр била итоатга буюргил”. Устоз-шогирдлик муносабатларини бундан ортик ифодалаш жуда кийин.

Мухаммад Тошболтаев.